ISSN 2181-7138

МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИЎ

Илимий-методикалық журнал

2026

1-сан

Өзбекстан Республикасы Министрлер Кабинети жанындағы Жоқарғы Аттестация Комиссиясы Президиумының 25.10.2007 жыл (№138) қарары менен дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм хабар агентлиги тәрепинен 2007-жылы 14-февральдан дизимге алынды. №01-044-санлы гуўалық берилген.

Нөкис

Jabborova O.M., Ostonaqulova Z.A. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari ekologik madaniyati mohiyati 298
Aslonov F.D., Ochilov F.I. Mutafakkirlarning insonparvarlik g‘oyalari negizida bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari ma’naviy-axloqiy sifatlarini rivojlantirish muammosi 304
Abdiraimov G‘.R. Tabiiy fanlarni o‘qitishda boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida dastlabki pedagogik barqarorlikni shakllantirish metodologiyasi 308
Shukurova R.N., Ochilov F.I. Multimodal matnlar asosida boshlang‘ich sinf matematika darslarida o‘quvchilarning mantiqiy va ijodiy tafakkurini parallel rivojlantirishning nazariy asoslari 314
Ядгарова А.Б. Условия и пути совершенствования методики профессиональной подготовки педагогических кадров в области изобразительного искусства дошкольного образования 319
Реймова Ф.Ж. Повышение когнитивной активности учащихся вспомогательных школ с помощью современных информационных технологий 325

СҮЎРЕТЛЕЎ ӨНЕРИ ҲӘМ МУЗЫКА

Rasulova S.S. Yoshlarning estetik tafakkurini yuksaltirishda musiqiy madaniyatning funksional ahamiyati 331

СОЦИАЛЛЫҚ ПЕДАГОГИКА

Alliyarov A.D. Jámiyetti modernizaciyalawda jaslardíń sociallíq-siyasiy belsendiliginiń áhmiyeti 339
Samiyev S.B. Oliy harbiy ta’lim muassasalarida bo‘lajak ofitserlarda kasbiy-ma’naviy madaniyatni rivojlantirishning o‘ziga xos yo‘nalishlari 346
Axunov U.R. Kasbiy kompetensiyalarni shakllantirishda kinestetik rivojlanishning pedagogik imkoniyatlari 352
To’rayeva H.T., Jo’rayeva M., Axmetova A.A. Kimyo fanini o’qitishda sun’iy intellektning ahamiyati va o’rni 357
Isaqova Z.R. Texnologik ta’lim mashg’ulotlarida noan’anaviy o’qitish metodlarini qo’llash 361
Даулетназарова З.А. Хотин-қизлар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш масалалари 368
Ernazarov A.E., Pimkulova S.B. Ijtimoiy tarmoqlardan samarali foydalanishda axborot xavfsizligi va akademik halollikni ta’minlashning ilmiy-metodik asoslari 374
Jansaitova J.B., Toxbayeva M.S. Milliy ta’lim tizimini rivojlantirishda xalqaro baholash dasturlarining o‘rni va ilmiy-amaliy ahamiyati 382
Narimbayeva L.K. Boshqaruvning nazariy asoslari, amaliy muammolari va rivojlanish istiqbollari 386
Umarova Z.A. Raqamli ta’lim muhitida pedagogik konfliktlarning transformatsiyasi 391
Zulfiqorova R.A., Ochilov F.I. Milliy tarbiya asosida yuksak ma’naviyatli shaxsni shakllantirish texnologiyasi 396
Jabborova O.M., Xujamqulova M.S. Mahmudxo‘ja Behbudiy qarashlarida axloqiy tarbiya ko‘nikmasi mohiyati 401
Tilakova M.A. Tinglovchilarni kasbiy malaka oshirishida inklyuziv ta’limga psixologik tayyorgarligini takomillashtirish tendensiyalari 405
Gayupova S.X. Innovatsion ta’lim klasteri asosida pedagogik kadrlar tayyorlash tizimini modernizatsiya qilishning nazariy asoslari 409
Абдалова С.Р. Глобаллашув шароитида “Рақамли маданият” ва “Кибер-этика” концепцияларининг фалсафий-педагогик таҳлили 418
Калимбетов Б.О. Инновационная модель повышения эффективности духовно-просветительской работы в образовательном процессе 425

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА “РАҚАМЛИ МАДАНИЯТ” ВА “КИБЕР-ЭТИКА” КОНЦЕПЦИЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛИ

Абдалова С.Р.
п.ф.н., доцент
Чирчиқ давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: глобаллашув, рақамли маданият, кибер-этика, ахборот жамияти, фалсафий таҳлил, педагогик ёндашув, виртуал макон, рақамли қадриятлар.
Ключевые слова: глобализация, цифровая культура, кибер-этика, информационное общество, философский анализ, педагогический подход, виртуальное пространство, цифровые ценности.
Key words: globalization, digital culture, cyber-ethics, information society, philosophical analysis, pedagogical approach, virtual space, digital values.

РЕЗЮМЕ:
Ушбу мақолада глобаллашув шароитида «рақамли маданият» ва «кибер-этика» концепцияларининг фалсафий-педагогик асослари таҳлил қилинади. Тадқиқотда ахборот жамиятида шахснинг маънавий қиёфасини шакллантириш, виртуал макондаги хулқ-атвор меъёрлари ва таълим жараёнини рақамлаштиришнинг инсон онгига таъсири ёритилган. Муаллиф рақамли дунёда қадриятлар тизимининг трансформацияси ва ёшларда кибер-маданиятни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини кўрсатиб беради.
РЕЗЮМЕ:
В данной статье проводится философско-педагогический анализ концепций «цифровой культуры» и «кибер-этики» в условиях глобализации. В исследовании рассматриваются вопросы формирования нравственного облика личности в информационном обществе, нормы поведения в виртуальном пространстве и влияние цифровизации образовательного процесса на человеческое сознание. Автор раскрывает трансформацию системы ценностей в цифровом мире и педагогические возможности развития киберкультуры у молодежи.
SUMMARY:
This article presents a philosophical and pedagogical analysis of the concepts of "digital culture" and "cyber-ethics" in the context of globalization. The study examines the formation of the moral character of an individual in the information society, norms of behavior in virtual space, and the impact of digitalization of the educational process on human consciousness. The author reveals the transformation of the value system in the digital world and the pedagogical possibilities for developing cyber-culture among youth.

Инсоният маданиятли бўлишининг ҳозирги босқичида глобаллашув жараёнлари рақамли технологиялар билан уйғунлашиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, хусусан, таълим ва тарбия тизимини тубдан ўзгартирмоқда. Бугунги кунда ўқувчи ўқувчиининг шаклланиши нафақат реал ижтимоий муҳитда, балки глобал ахборот макони - виртуал борлиқда ҳам кечмоқда. Бу эса педагогика фани олдига "рақамли маданият" ва "кибер-этика" тушунчаларини фалсафий-педагогик жиҳатдан қайта англаш вазифасини қўймоқда.

Фалсафий нуқтаи назардан, "рақамли маданият" - бу инсоннинг ахборотлашган жамиятдаги фаолияти, қадриятлари ва дунёқарашининг тизимидир. У шунчаки технологик воситалардан фойдаланиш кўникмаси эмас, балки ўқувчининг виртуал оламдаги маданий ўзлигини намоён этиш шаклидир. Педагогик нуқтаи назардан "рақамли маданият" қуйидагиларни ўз ичига олади: ахборот билан ишлаш маданияти - маълумотларни саралаш ва танқидий таҳлил қилиш; коммуникатив маданият - тармоқдаги мулоқот этикетига риоя қилиш; хавфсизлик маданияти - ўқувчиий маълумотларни ҳимоя қилиш ва кибер-таҳдидларни англаш.

"Рақамли маданият" - бу шунчаки технологиялардан фойдаланиш эмас, балки рақамли технологиялар таъсирида инсонларнинг фикрлаши, мулоқот қилиши, ишлаши ва яшаш тарзининг ўзгаришидир. Бу тушунча жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олади. "Рақамли маданият"нинг асосий устунлари қуйидагилардан иборат [1]:

"Рақамли саводхонлик" - бу фақат компьютерни ёқиш эмас, балки - ахборотни излаш, саралаш ва унинг ишончлилигини текшириш, турли рақамли қурилмалар ва иловалардан мақсадли фойдаланиш ҳамда янги технологияларни тез ўзлаштириш кўникмасидир. Сардорлик ва мулоқот - интернетда ўзини тутиш қоидалари: бировнинг ўқувчиий ҳудудини ҳурмат қилиш, кибербуллинг (интернетдаги зўравонлик)га йўл қўймаслик ҳамда мулоқотда хушмуомала бўлиш ва изоҳларда маданият сақлашдир. Рақамли хавфсизлик ва гигиена эса - ўқувчиий маълумотларни ҳимоя қилиш маданияти - мураккаб пароллардан фойдаланиш, ижтимоий тармоқларда ўқувчиий маълумотларни ҳаддан ташқари очиқламаслик ҳамда фирибгарлик ҳаволаларини таний олишдир.

Замонавий "рақамли маданият" иш муҳитини ҳам тубдан ўзгартирди. Жумладан, масофавий иш - дунёнинг исталган нуқтасидан туриб ҳамкорлик қилишдир; қоғозсиз технологиялар - ҳужжат айланишини тўлиқ электрон шаклга ўтказишдир; очиқлик ва шаффофли - маълумотларнинг барча учун очиқлиги ва жараёнларнинг тезкорлигидир. Бу шунинг учун

муҳимки, “рақамли маданияти” юқори бўлган жамиятда - вақт тежалади, давлат хизматлари, банк ва савдо ишлари онлайн амалга оширилади; иқтисодий ўсиш бўлади - инновациялар тезроқ жорий этилади; хавфсизлик таъминланади - одамлар кибер-фирибгарлар тузоғига камроқ тушади. Демак, “рақамли маданият” - бу технологияни инсонга хизмат қилдириш ва бу жараёнда маънавий-ахлоқий меъёрларни сақлаб қолиш санъатидир. “Рақамли маданият”ни ўрганишда қуйидаги тизимдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир (1-жадвал):

1-жадвал

“Рақамли маданият”ни ўрганиш тизими

Йўналиш	Асосий тадқиқот предмети
Аксиологик	Рақамли дунёдаги қадриятлар ва этика (киберэтика).
Когнитив	Рақамли саводхонлик ва янги билимларни эгаллаш кўникмаси.
Коммуникатив	Ижтимоий тармоқлар ва виртуал мулоқот маданияти.
Технологик	СИ, Big Data ва булутли технологиялар билан ишлаш.

“Рақамли маданият” соҳасидаги хорижлик олим Мануэль Кастельс - инсоният янги бир даврга - “тармоқли жамият” даврига ўтганини исботлаб беради. Унинг фикрича, ҳозирги дунёда ҳокимият ва бойлик фақат моддий ресурсларга эмас, балки ахборот оқимларига эгалик қилиш ва уларни бошқаришга боғлиқ. Унинг таъкидлашича, рақамли технологиялар туфайли ижтимоий тузилмалар (бизнес, ҳукумат, оила) иерархик шаклдан тармоқ шаклига ўтди. Тармоқлар чегара билмайди ва улар жуда мослашувчандир. Рақамли маданиятда макон тушунчаси ўзгарди. Одамлар жисмонан турли жойларда бўлса-да, рақамли оқимлар (интернет, видеоалоқа) орқали реал вақт режимида бир жойда ишлай ва мулоқот қила оладилар. Виртуал дунё шунчаки ўйин эмас, у бизнинг реал ҳаётимизга айланиб бўлди. Бизнинг қарорларимиз, ҳиссиётларимиз ва ижтимоий мавқеимиз интернетдаги имижимиз ва фаолиятимизга боғлиқ. “Рақамли маданият”да вақтсизлик пайдо бўлади. Биз ахборотни исталган вақтда (кечасими ёки кундузими) оламиз ва тарқатамиз, бу эса инсоннинг биологик ритми ва ижтимоий ҳаётига таъсир қилади. Муаллиф “рақамли маданият”ни шунчаки компьютердан фойдаланиш эмас, балки инсон онги ва ижтимоий институтларининг тубдан трансформацияси сифатида тавсифлайди. У таъкидлаганидек, замонавий “рақамли маданият”да тармоқли алоқалар ижтимоий тизимнинг асосини ташкил этади ва инсоннинг дунёқарашини виртуал реаллик билан уйғунлаштиради.

Генри Дженкинс [2]нинг фикрича, “рақамли маданият”нинг энг муҳим жиҳати - иштирок этиш маданиятидир. Илгари одамлар ахборотни фақат пассив қабул қилувчи (телевизор кўрувчи, газета ўқувчи) бўлган бўлса, “рақамли маданият”да ҳар бир инсон ахборот яратувчисига (блогер, шарҳловчи, контент-мейкер) айланди. “Рақамли маданият”да одамлар муаммоларни биргаликда, онлайн жамоалар орқали ҳал қиладилар.

Ўзбекистонда “рақамли маданият”, “рақамли иқтисодиёт” ва “ахборот жамияти” масалалари бўйича изланиш олиб бораётган олимларнинг ишлари асосан технологияларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга татбиқига қаратилган. Жумладан, академик С.С. Ғуломов [3] Ўзбекистонда “рақамли иқтисодиёт” ва ахборот технологиялари йўналишининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Устознинг илмий ишларида “рақамли маданият”нинг техник ва иқтисодий асослари кўриб чиқилади. Муаллиф “рақамли ишонч” тушунчасини блокчейн технологияси орқали асослаб беради. “Рақамли маданият”нинг ажралмас қисми бўлган маълумотлар ҳаққонийлиги ва шаффофлиги масалаларига алоҳида урғу берилган.

Профессор М.М. Арипов [4] ахборот технологиялари ва математик моделлаштириш соҳасидаги етакчи олимлардан бири. Унинг ишларида рақамли муҳитда ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги янгича мулоқот шакллари тадқиқ этилади. “Рақамли маданият”нинг интеллектуал ўқитиш тизимлари орқали шаклланиши назарий жиҳатдан ёритилади.

Б.С. Ғаниев [5] “рақамли маданият”ни фақат технология эмас, балки жамиятнинг янги маънавий ҳолати сифатида талқин қилади. Унда “рақамли дунёқараш” тушунчасига таъриф берилиб, глобаллашув даврида миллий маданиятни рақамли муҳитда сақлаб қолиш муаммолари таҳлил қилинади.

М.А. Раҳматуллаев [76] нинг ишлари аҳолининг ахборот билан ишлаш маданиятини оширишга қаратилган. Рақамли ресурслардан фойдаланишда қидирув маданияти ва муаллифлик ҳуқуқи масалалари асосий ўрин тутади.

Замонавий педагогик дискурсда “рақамли маданият” фақат техник кўникмалар йиғиндиси эмас, балки инсоннинг виртуал оламдаги ҳаёт тарзи сифатида талқин этилмоқда. М. Кастельс [6] талқинида, рақамли маданият - бу тармоқли жамиятнинг янги ижтимоий морфологияси бўлиб, унда ахборот алмашинуви асосий қадрият ҳисобланади.

Ўзбекистонлик олим У.Бегимқулов [7] таъкидлаганидек, “рақамли маданият” - ўқувчининг ахборот технологиялари ёрдамида ўз фаолиятини

ташкил этиш, ахборотни қайта ишлаш ва маданий мулоқотни амалга ошириш қобилиятидир.

Тадқиқотчи А. Лукинова [8] таъкидлаганидек, “рақамли маданият” - бу нафақат компьютердан фойдаланиш, балки инсоннинг виртуал оламдаги мавжудлик шакли ва унинг ахлоқий танловидир. Бу фикр бизнинг тадқиқотимиздаги яхлит парадигма концепцияси билан узвий боғланади.

“Рақамли маданият”нинг ўқувчи ҳаёт тарзига айланиши ахборот жамиятининг янги ижтимоий морфологиясини шакллантиради [9]. Шу билан бирга, кибер-этика меъёрлари виртуал муҳитдаги ахлоқий мувозанатни сақловчи асосий восита ҳисобланади.

Рақамли маданиятнинг энг муҳим икки устуни - бу ўқувчиий хавфсизлик ва ёш авлодни виртуал оламдаги хавфлардан ҳимоя қилишдир. Қуйида ушбу йўналишлар бўйича батафсил йўриқномани кўриб чиқамиз.

1. Рақамли хавфсизликнинг асосий қоидалари [10, 11]. Рақамли хавфсизлик - бу нафақат антивирус ўрнатиш, балки кундалик “рақамли гигиена”га амал қилишдир. Мураккаб пароллар ва икки босқичли аутентификация: ҳар бир ижтимоий тармоқ ва почта учун алоҳида, камида 12 та белгидан иборат (катта-кичик ҳарфлар, сонлар ва белгилар аралаш) парол ишлатилади. Икки босқичли тасдиқлаш (SMS ёки илова орқали) албатта ёқиб қўйилади. Фишинг ҳужумларидан эҳтиёт бўлиш лозим яъни, электрон почта ёки телеграм орқали келган шубҳали ҳаволаларга кирмаслик керак. Айниқса, сиз ютуқ ютиб олдингиз, аккаунтингиз блокланди каби шошилинч хабарлар кўпинча фирибгарлик бўлади. Очиқ Wi-Fi тармоқлари: кафе ёки парклардаги очиқ Wi-Fi тармоқлари орқали банк иловаларига кирмаслик ёки ўқувчиий маълумотларни юбормаслик лозим. Бундай тармоқларда маълумотларни ўғирлаш жуда осон. Шу билан бирга, нотаниш ўқувчиларга телефон орқали келган кодларни ёки банк картаси маълумотларини айтмаслик керак.

2. Фарзандларни интернетда ҳимоя қилиш (киберпедагогика). Ўқувчилар интернетда катталарга нисбатан кўпроқ заиф ҳисобланадилар. Уларни ҳимоя қилиш учун қуйидаги қадамларни амалга ошириш тавсия этилади: техник ҳимоя воситалари: ота-она назорати: “Google Family Link” ёки “Apple Screen Time” иловаларидан фойдаланиш. Бу орқали ўқувчининг қайси иловада қанча вақт ўтказаётганини кўриш ва зарарли сайтларни блоклаш мумкин. Google ва YouTube созламаларида “хавфсиз қидирув” режимини ёқиш лозим, бБу катталар учун мўлжалланган контентни автоматик равишда фильтрлайди [12, 13].

3. Психологик ва тарбиявий чоралар: ишончли муҳит яратиш: ўқувчи интернетда бирор шубҳали ёки қўрқинчли нарсага дуч келса, қўрқмасдан айтиши керак. Ўқувчига интернетда исми, мактаби, яшаш манзили ва телефон рақамини бегона кишиларга айтмаслигини ўргатиш керак. Агар ўқувчи интернетда кимдир уни ҳақорат қилаётганини айтса, дарҳол ўша профилни блоклаш ва хабар бериш керак.

3. Рақамли этика ва мулоқот маданияти. “Рақамли маданият” нафақат ҳимояланишни, балки бошқаларга нисбатан ҳурматни ҳам англатади. Ҳар қандай хабарни тарқатишдан олдин унинг расмий манбасини текшириш лозим. Бировнинг расми ёки мақоласини ишлатганда манбани кўрсатиш – “рақамли маданият”нинг юқори белгисидир.

4. Қуйида ўқувчиий маълумотларни ҳимоя қилишнинг энг муҳим босқичлари кўрсатилган: ўқувчиларни ҳимоя қилишда ота-она назоратининг асосий функциялари: ўқувчининг ёшига мос бўлмаган сайтларни блоклаш, интернет ва ўйинлар учун кунлик лимит белгилаш ҳамда ўқувчининг қаерда эканлигини GPS орқали кузатиш.

“Кибер-этика” - бу рақамли муҳитда инсон хулқ-атворини тартибга солувчи маънавий-ахлоқий меъёрлар мажмуидир. Глобаллашув шароитида “кибер-этика” масаласи анъанавий ахлоқ нормаларининг виртуал макондаги трансформацияси сифатида намоён бўлади. У “рақамли фуқаролик” маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Содда қилиб айтганда, бу - интернетда қандай қилиб маданиятли инсон бўлиш ҳақидаги қоидалар тўпламидир [14].

Ўзбекистонлик олим Н. Шайдуллаев [15] “рақамли маданият” ва “кибер-этика”ни миллий менталитет ва ёшлар тарбияси билан боғлаган ҳолда тадқиқ этади. У миллий қадриятларни рақамли оламга кўчириш, интернетдаги мулоқотда “ўзбекона одоб” ва масъулиятни сақлаб қолиш муҳимлигини таъкидлайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Галкин Д.В. Цифровая культура: методические аспекты исследования культурных динамик от микрочипов до сложной графики / Д. В. Галкин // Гуманитарная информатика. -2012. -Вып. 6. -С. 11-19.

2. Дженкинс Г. Конвергентная культура: столкновение старых и новых медиа / Г. Дженкинс. -М.: Типография “Новости”, -2019. -384 с.

3. Гулямов С. С. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари : ўқув қўлланма / С.С.Гулямов, Р.Х.Аюпов ва б.қ.лар. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. -Тошкент: ТДИУ, -2019. -360 б.

4. Арипов М. М. Ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма / М. М. Арипов, Ж. О. Муҳаммадиев. -Тошкент: ТАТУ, -2010. -240 б.